

## ПРЕЗИДЕНТ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан, чет эллик инвесторлар “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди.

30 август куни Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари маросим иштирокчиларини аввало Мустақиллик байрами билан табриклаб, эзгу тилаklarини изҳор этди. Бу даврда мамлакатимиз катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани, барча соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани таъкидланди.

– Халқ манфаатини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг лойиҳасини муҳокамага қўйганимизда 1 миллиондан кўп тақлифлар келиб тушди. Бу нимадан далолат? Халқимиз бефарқ эмас. Йўналишларимизни, камчиликларимизни кўрсатиб берапти. Бу биз учун “йўл харитаси”. Давлатга энг катта ҳакам – халқ, – деди Президент.

Бу муҳим ҳужжатда Ватанимиз мустақиллигини ва тинчлигини асраш, кучли иқтисодий шакллантириш, халқимиз ҳаётини обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш вазифалари белгиланган.

– Содда қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Янги Ўзбекистонда халқимиз яйраб ишлайдиган, ҳаётдан рози бўлиб, яйраб яшайдиган давлат қуришдан иборат, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг замини, аввало, тинчлик, барқарорлик. Халқимиз бунинг қадрига етиб, интилиш, меҳнат руҳида яшашмоқда. Янги-янги замонавий sanoat корхоналари ишга туширилмоқда. Илм-фан, технологиялар, хизмат кўрсатиш борасида муҳим натижалар қўлга киритилмоқда. 2022 йил якунларига кўра, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 5,7 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида шинам уй-жойлар, йўл ва кўприklar, шифохоналар, боғча, мактаб, маданият ва спорт марказлари бунёд этилмоқда. Табиат қийинчиликларига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиниб, озиқ-овқат хавфсизлигини, халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлашга эришилмоқда.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг “Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини уйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, деган сўзларини келтирди.

Бунинг ифодасини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга, жумладан, кекса авлод вакиллари, аёллар ва ёшларга ғамхўрликда яққол кўриш мумкин. Кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш, сифатли таълим бериш, замонавий касб-хўналарга ўргатиш, инфратузилмани яхшилаш ҳисобидан республикаимизда камбағаллик даражаси сезиларли пасаймоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳаллардаги ишларни, одамларнинг фаоллигини қайд этди.

– Биз биринчи кундан халқ ичига кириб боряпмиз. Кўп тизимларни маҳаллага туширяпмиз. Нимага? Маҳалла – давлатчилигимизнинг замини. Агар 9 минг 400 та маҳалла тинч бўлса, юртимиз тинч бўлади. Инвестиция ҳам, таълим-тарбия, қурилиш, ободонлаштириш ҳам маҳаллада бўлса, қандай ўзгариш бўлади?! Мана, “Очиқ бюджет” орқали одамлар ўз муаммосини олиб чиқиб, овоз бериб, ўзи назорат қиляпти. Шунинг учун маҳалла ти-

Шундан сўнг, мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Маълумки, миллий ўзлгимизни англаш нуқтаи назаридан, Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” ордени таъсис этилган. Юртимиз ва минтақамизда муқаддас ислом динини асраш, илмий меросни ўрганиш ва мусулмонларга етказиш йўлида маънавий жасорат кўрсатиб яшаган икки буюк ватандошимиз, марҳум муфтийлар – шайх Зиёвуддин-хон ибн Эшон Бобохон ҳамда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан мукофотланган эди. Тадбирда уларнинг фарзандларига ушбу табаррук нишон топширилди.

Эл-юртимизда хурматга сазовор нурунийлар, давлат хизматчилари, олим ва педагоглар, тадбиркорлар, sanoatchilar, ижодкор



зимини ривожлантириш бўйича ишларимизни қатъий давом эттиряпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент маросимга йиғилганларни номна-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриклади. Уларни Янги Ўзбекистоннинг чинакам бунёдкорлари сифатида қадрлашини таъкидлаб, фидокорона меҳнати, ёш авлодга ибрати учун миннатдорлик билдирди.

– Бахт нима ўзи? Фарзандлар бағрида соғ-саломат юриш, oilада, эл-юртда азиз бўлиш, ҳалол қилган меҳнатининг қадрини кўриш. Бутун халқимиз сизлар билан фахрланади, сизларга ҳавас билан қарайди. Илоҳим, мана шундай обур, мана шундай хурмат-эътибор сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, – деди Шавкат Мирзиёев.

ва санъаткорлар, ҳарбийлар, спортчи ва мураббийлар мукофотларни қабул қилиб олди.

Президентимиз уларни табриклаб, самимий дил сўзлари ва тилаklarини айтди.

– Бугун мен сизларнинг очиқ чеҳрангиз, бахтиёр кўзларингизни, сизлардаги баланд руҳни кўриб, очиғини айтсам, гўёки ўзим ҳам мукофот олгандек хурсанд бўлиб турибман. Ниятим: куксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин, – деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаklar билдирди.

ЎЗА



## ВАТАНИМ

МУҲАММАД ЮСУФ,  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ

Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим хоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним,  
Ёлғизим,  
Ягонам дейми,  
Топинган қошонам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга,  
Нолон куним юпатган сен,  
Юзинг босиб юзимга.  
Синглим дейми,  
Онам дейми,  
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри  
Илиғимсан, Ватаним.

Сен – шохлари осмонларга  
Тегиб турган чинорим,  
Ота десам,  
Ўғли деб,  
Бош эгиб турган чинорим,  
Қўйнимдаги ифтихорим,  
Бўйнимдаги туморим,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним!

## БУГУНГИ СОНДА:

ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ,  
МАНГУ БЎЛ ОБОД!

2.

ЭНДИ  
ВОЧАҲДА  
ҲАМ “СВЕТ”  
ЁНАДИ



3.



ТУН ҚАНЧА ҚОРА БЎЛСА,  
ОЙ ШУНЧА ЁРУҒ

6.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР  
ҲАРАКАТИ - ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Мамлакатимизни мустабид тузум  
кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш  
йўлини очиб берган Мустақилликнинг 32 йиллик  
байрами билан табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,  
халқимиз омон бўлсин!

Барча эзгу ниятларимиз амалга ошаверсин!





# ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Диёримизда энг улуғ, энг азиз байрам – мустақилликнинг 32 йиллик шукуҳи кезиб юрган шу кунларда иқтисодий қудратимизни мустаҳкамлаш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда ҳисса қўшган кўп-лаб юртдошларимизнинг кўп йиллик самарали меҳнати эъзозланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки

йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига кўра ибратли фаолияти учун фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланганлар орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам бор.



**Акшагул ТУЛЕГЕНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси,  
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Юртимизда барча йўналишлар қаторида миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик юқори даражага кўтарилган. 1991 йил 31 август куни ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистонда 1992 йил 13 январда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Байналмилал маданият маркази ташкил этилган эди. 1992 йилда 10 та миллий марказ ташкил этилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 138 дан ортиқдир.

Ҳар икки йилда бир марта “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида дўстлик ва маданият фестивали ўтказиб келинади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимиздаги миллий маданий марказлар ҳаётида, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истиқболларни очиб берди, бу соҳадаги ишларда туб бурилиш ясади.

Ҳар доим мустақиллик сўзини тилга олар эканман, ўн бир ҳарфдан иборат ушбу сўзнинг салмоғидан бутун вужудимга титроқ киради. Бу сўз замирида Ватанимиз тарихи, ўтмиши, бугуни, келажаги, боболаримиз орзу-армони, келажакка бўлган умиди ётибди. Ҳар бир байрамнинг ўз қувончи, ўз ўрни, ўз салмоғи бор. Лекин мустақиллик байрами берадиган қувончни ҳеч қаердан тополмаймиз.

Мана шундай азиз айём арафасида Президентимиз фармонида биноан она Ватанимизнинг энг юксак мукофоти – “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланганидан бағоятда суюндим. Шу эл-юрт осойишталиги, фаровонлиги учун ўз ҳиссамни қўшиш, хусусан, улар фаолиятини тартибга солувчи, ҳуқуқларини ҳимояловчи қонунчилик асосларини пишиқ ва пухта ишлаб чиқиш жараёнида янада фаол қатнашни дилимга тугдими. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кучли ҳимояласаккина, уларнинг бахти ва келажакини ҳимоя қилган бўлаемиз.



**Содиқжон ТУРДИЕВ,**  
Республика “Нуроний” жамғармаси Бошқаруви ва  
O‘zLiDeP Фахрийлар кенгаши раиси,  
“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси” фахрий унвони соҳиби

Кейинги йиллар мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар даври бўлди. Янгиланишлар кириб борган бирорта соҳа ёки тармоқ, қишлоқ ва маҳалла қолмади ҳисоб. Ана шу янгиланишларнинг натижаси ўлароқ ҳар бир ёш кекса, ҳар бир касб эгаси юзида қувонч ва мамнуният, бугундан розилик белгилари намён. Пири бадавлатларимиз дея қадрлайдиганимиз нурунийлар кўларини дуога очганча юртимизга, халқимизга тинчлик ва эзгуликларни тилашдан толмайди. Кўп йиллик қузатувларига асосланиб, ёшларни тўғри йўлга бошламоқда, тажрибаларини бўлишмоқда.

Уларнинг доно ўғит, панд-насиҳатларидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларида унумли фойдаланиш тажрибаси аллақачон йўлга қўйилган. Ўтган йил бошидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қошида Фахрийлар кенгашини тузилгани фикримизнинг яққол далилидир. Ўз сафига 1 миллиондан ортиқ маслақдошларини бириктирган бу етакчи партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозонишида, мавқеи мустаҳкамланиб бораётганида фахрийларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. O‘zLiDeP ўз иш фаолиятида кўпни кўрган, тажрибали, ёши улуғ инсонлар маслаҳатларига доимий равишда таяниб келади. Натижада маслақдошларимизда ишга бўлган масъулият ва кўникмалар янада шаклланиб, касбга садоқати ортмоқда. Бу эса сийёсий кучнинг ўз электорати қалбига йўл топиш, хайрихоҳлари сафини бундан кенгайтиришида жуда қўл келмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ байрам Мустақиллик куни арафасида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан мукофотланганидан бошим кўкка етди. Бу юкнинг залвори баланд. Бу юк биз катта авлод вакиллари, келажакимиз эгалари бўлган ёшларга янада эътиборли, уларнинг ҳаётига ниҳоятда зийрак бўлишимизни, ҳаммиша қўллаб-қувватлаб, тўғри йўллар сари ундашимиз жоизлигини аниқлатади.

**Мавлудахон ХЎЖАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси,  
I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Бугун бу дорилоним кунларни қўриб, собиқ иттифоқ даврида одамлар нон ўрнида кунжара истеъмол қилгани, хотин-қизлар, айниқса, болалар оғир меҳнатларга мажбуран жалб қилингани ёдимизга тушади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам нонга муҳтожлик кўп-лаб оилаларда яққол сезилиб турганига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз.

У даврларда мактаб ўқувчилари, талабалар таълим олиш ўрнига бутун кузни пахта даласида ўтказар эди. Тиббиёт тизимида аҳвол жуда оғир эди. Кўп-лаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур бўларди. Бизнес учун шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди.

Мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги етти йилда фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи берилди. Пировадидида тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик ривожланди. Халқимизнинг улкан яратувчилик куч-қудрати, мислсиз бунёдкорлик салоҳияти тикланди. Одамларнинг яшаш шароити тубдан яхшиланди.

Истиқлолимизнинг 32 йиллиги арафасида ортага назар ташлаган ҳар бир фуқаро орадан ўтган қисқа давр улкан ютуқлар даври бўлганига гувоҳ бўлади. Чунки қайси бир соҳага қараманг, ўзгариш, янгиланишга юз тутмоқда.



Президентимиз фармонида мувофиқ I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганим нафақат менга, балки барча депутатларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Камтарона меҳнатимизнинг алоҳида эътироф этилиши бизни янада шижоат кўрсатиб ишлашга чорламоқда. Энди билдирилган юксак ишончини оқлаш учун бор кучим, билимим ва салоҳиятимни ишга соламан. Бу рағбат аҳоли фаровонлиги, турмуш шароитини яхшилашда бизга куч-қувват бўлади.



**Равшан МАМУТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Аграр ва сув хўжалиги масалалари  
қўмитаси раиси,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси,  
“Дўстлик” ордени соҳиби

Мустақиллик – инсоннинг эркин ва озод равишда иш юритиши, миллат, жамият ва давлат ҳаётининг тараққиёти, устувор мақсад ва вазифаларнинг мустақил тарзда амалга оширилишини аниқлатади.

Қайд этиш ўринлики, бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори аграр соҳани ривожлантириш, аҳолининг сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мўҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада экспорт са-

лоҳиятини ошириш ва инвестициявий жозибдорликни яхшилаш, тармоқда замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Озуқабоп маҳсулотлар етиштириш, аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш учун ўтган даврда 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар қўшимча ерлар фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навоми барқарор сақлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз фармонида асосан бир гуруҳ ҳамюртларимиз қаторида менинг ҳам камтарин хизматларим эътироф этилиб, “Дўстлик” орденига муносиб кўрилганим оила-аъзоларимни қувонтириш баробарида бошқа ҳамкасбларим, парламентдаги ҳамфикр депутатларимиз зиммасига ҳам янада каттароқ масъулият юклади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фойда олиб бораётган ишчи-хизматчиларга муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аграр тармоқни янада кенгайтириш ҳамда ундан унумли фойдаланишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришда ташаббуслар кўрсатиш асосий мақсадимизга айланади. Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, уларни ўйлантираётган масалаларни парламент даражасида кўтариб чиқиш ва аграр соҳани ривожлантиришда натижадорликка эришишда фаол иштирок этиш ҳам барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

**Шухрат АСЛАНОВ,**  
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ  
бош директори,  
O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси,  
“Шухрат” медали соҳиби

Бу йил халқимиз мустақиллик байрамини янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар юксак самара бераётган бир шароитда нишонланмоқда. Истиқлол солномасининг сўнгги етти йиллик саҳифаси ижтимоий-сийсий, маданий-маърифий ҳаётимизда қўлга киритилган ютуқлар, одамларнинг онг-тафаккури ва дунёқарашига ўз ифодасини топаётган янгиланишлар, халқимизнинг ижтимоий-сийсий фаоллиги ошгани, ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳи кучайгани ахамиятлидир.

Айём арафасида воҳамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, кўча ва хиёбонлари ўзгача тароват бахш этади. Янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий мухташам бинолар, маданият, спорт ва санъат саройлари, оромгоҳлар ишга туширилмоқда. Кенг қўламли ислохотлар воҳадошларимиз ҳаётига ўзгача шукуҳ ва завқ бағишлайди. Улар нигоҳида бахтиёрлик, шукроналик, мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган юксак ишончини қўриб, беҳад севинаман. Кутлуғ шодиёна шукуҳи янги Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-сийсий, маънавий-маърифий бўй-бастини дунё кенгликлари узра намён этишда давом этаверсин.

Камтарона хизматларим юксак баҳолашиб, байрам арафасида Президентимиз фармони билан “Шухрат” медали билан тақдирланганим, зиммамдаги вазифаларни янада теран англаб,



эртага бугундан кўпроқ меҳнат қилиш, изланиш, юртдошларимиз ишончини оқлашга даъват этади. Бу мукофот нафақат мен, балки мамлакатимиздаги энг нуфузли мажмуамиз ишчи-хизматчилари меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимиз мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман. Эл-юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларига ривож, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилайман.

“XXI asr” мухбири  
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.



МУНОСАБАТ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар сафар вилоятларга борганида жойларда ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари билан атрофлича танишади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Самарқанд вилоятига ташриф чоғида ҳам шу анъана изчил давом этди.



Наврўз РИЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

# АҲОЛИНИНГ ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНУВЧИ МАНЗИЛЛАР

Танишув Самарқанд туманида барпо этилаётган савдо, саноат ва сервис мажмуаси қурилиш майдонидан бошланди. Таъкидлаш жоизки, ҳалқа йўли бўйида жойлашган бу маскан ёнидан муайян мuddат аввал ўтган кишининг нигоҳи қаровисиз, нуғми паст, ташландиқ ерларга тушарди, холос. Энди манзара бутунлай ўзгармоқда. Янги ташаббуслар самарасиз ҳисобланган 37 гектарлик бу майдонни қанчалик ўзгартира олиши мумкинлигини бугунги ишлар аққол кўрсатиб турибди.

Бу ерда Самарқанд саноати ва иқтисодий янада ривожлантирувчи умумий қиймати 2 триллион 79 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа амалга ошириляпти. Улардан биринчиси – яқинда ишга тушадиган автомобиллар эҳтиёт қисмлари бозоридagi савдо дўконларида 3 мингта иш ўрни яратилади. Лойиҳа қиймати 500 миллиард сўмга тенг мажмуа нафақат ишбилармонлар, балки худуд аҳолиси, ҳайдовчилар учун катта тўхфа бўлади.

Мазкур савдо мажмуасидан ярим чакрим нарида Янги ариқ маҳалласи жойлашган. 6200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳалланинг ишсиз фуқаролари ҳам шу ердан юмуш топди. Қўшни худудлардан ҳам минглаб одамлар иш билан банд бўлмоқда. Хусусан, Чилқудуқ, Дўстлик ва Бўзи маҳаллаларининг фуқаролари ҳам шу ерга келиб ишлашади.

Айни пайтда худудда газоблок, пенопласт, оҳак ва зичлагич ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши давом этмоқда. Улар шу йил охирида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, келгуси йилларда “Кўксарой автотолл” савдо ва кўнгилочлар маркази, ойнага ишлов бериш, пластик ва алюмин ромлар корхонаси қуриб битказилиши режалаштирилган.

Бу шунчаки ишлаб чиқариш қувватлари эмас, аксинча, Самарқанднинг энг олис тумани Нурободдан Каттакўрғонигача вилоят аҳолисининг даромад манбаига айланувчи манзиллардир. Умуман, ушбу лойиҳаларда ўн минглаб яқин аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Президент бу истиқболли лойиҳаларнинг беқийс аҳамиятига алоҳида тўхталиб, уларни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни инновацион тарзда йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда ишсизликдан холи худудга айлантириш бўйича масъулларга қўшимча топшириқлар берди.

Ташриф давомида Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги “Азия металл проф” масъулият чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Наврўз маҳалласидаги бу жойни одамлар яхши эслайди. Гарчи Самарқанд шаҳар таркибиде бўлса ҳам, 4-5 йил олдин шу атрофга чиқиндилар яширинча ташлаб кетиларди. Чунки ағаси йўқ эди-да.

Ушбу йирик заводда 2018–2022 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 110 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилди. Шундан 33 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. 2018 йил декабрда бу ерда рух ва полимер билан қопланган металл листлар тайёрлаш бошланган бўлса, 2021 йилдан металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2022 йил февралдан буён иссиқ ўрамали металл

листлар ва қурилиш учун профиллар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун бу маҳсулотларнинг харидорлари қаторида МДҲ ва Европа давлатлари бор. Экспорт кўрсаткичлари эса тобора юқорилаяпти. Шу тарзда Самарқандда ишлаб чиқарилган металл маҳсулотлари бирин-кетин дунё юзини кўрди. Айни пайтда корхонада 520 нафар ишчи меҳнат қиляпти.

Аҳамиятлиси, бу маҳсулотлар олдинлари Ўзбекистонга тўлиғича четдан олиб келинарди. Бугунги кунда ана шу импорт урини босадиган, экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг туртинчи босқичи – арматура ишлаб чиқариш корхонасининг қурилиш майдонида ҳам бўлди. Бу ерда йилига 390 минг тонна арматура қуйиш қуввати ҳамда 150 та янги иш ўрни яратилади. Давлат тадбиркорига, тадбиркор эса давлатига ишонса, муваффақиятлар занжири бир-бирига уланавериши шу ердаги мулоқотда ҳам ўз тасдиғини топди.

Президент қурилиш саноатидаги барқарорлик учун бундай ташаббуслар зарур эканини, маҳаллийлаштириш ва таннархни тушириш орқали экспортда рақобатбардошликни ошириш кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар бўйича ўтказган танқидий-таҳлилий руҳда кечган йиғилишда қайд этганидек, бугунги кунда худуд саноатининг қарийб ярми Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Ўтган етти ойда вилоятда 600 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Лекин уларнинг 78 фоизи Самарқанд шаҳри, Каттакўрғон, Пастдарғом ва Самарқанд туманлари ҳиссасига тўғри келган. Сўнгги беш йилда электр истеъмоли 1,5 баравар ошган. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, сувни тежаш етарли эмас.

Шу боис маҳаллаларда тадбиркорлик ва деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш, узум ва писта етиштиришни кўпайтириш, серкатнов йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолини ишли қилиш зарурлиги таъкидланди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг 15 та тумандаги худуди ва вилоятдаги 106 та саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш учун шу йилнинг ўзида 170 миллиард сўм ажратилган. Лекин уларда 620 гектар ер бўш турибди. Мутасаддиларга инфратузилма муаммосини ҳал этиб, ушбу майдонларга тадбиркорларни жалб этиш бўйича топшириқ берилди. Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Оқдарё ва Пастдарғомдаги подстанцияларни янгиллаш, йил якунигача Каттакўрғон тумани ва Самарқанд шаҳрида қуввати 250 мегаватт бўлган 2 та қуёш электр станциясини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Шаҳар ва туманларнинг фойдаланилмаган имкониятларини, захираларини ишга солиш ҳисобига айтилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш йўллари ҳам кўрсатиб берилди.

Мақсад эса ҳаммамиз учун аниқ – халқни рози қилиш! Марказдан то энг чекка худудларгача ислохотлар натижадорлигига эришиш!

# БИЗНЕС-ОМБУДСМАН — ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

Бугун тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосис аралашши ҳолатлари кескин камайганини нафақат статистик рақамларда, балки тадбиркорларнинг бу борадаги муносабатларида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда қонунчиликка тадбиркорлар ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани, G2B муносабатларда инсон омиллини камайтириш бўйича эришилган натижалар ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқининг устуворлиги тамойили муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга қатор муҳим ваколатлар берилгани, ушбу йўналишда янги институтлар ташкил топгани туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилувчи органларда илгаригидек истаган пайтда ўз хоҳишича тадбиркор эшигини тақиллатмасдан кириб бориш имкони йўқ, бунинг учун уларда илгаригидек журъат ҳам йўқ.

Боиси, 2017 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентини хузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес-омбудсман) томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш ва тадбиркорлар фаолиятига асосис аралашши ҳолатларига катъий чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, тадбиркорлар манфаатида

судларга жами 24 млрд сўмлик 74 та давво аризаси киритилган, бунинг натижасида улар фойдасига 12,9 млрд сўм ундирилиши белгиланган. Мурожаатларни қўриб чиқишда қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан 1 минг 675 та тасвир чоралари қўлланиб, тегишли идораларга 81 та тақдимнома киритилди.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Бизнес-омбудсман томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид 1,5 мингга яқин баённома тузилган, назорат қилувчи органлар томонидан текширувлари ўтказиш учун келиб тушган буюртмаларнинг 900 га яқини етарлича асослар мавжуд бўлмагани сабабли рад этилган.

Зиммасига тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текшириляётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг текширувларини мувофиқлаштиришни ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш каби жуда муҳим ва мураккаб вазифалар юкланган Бизнес-омбудсман бугунги кунда тадбиркорларнинг чинакам ҳимоячисига айланган.

Тадбиркорлик субъектларининг Бизнес-омбудсманга бўлган ишончини келиб тушган мурожаатлар сони ва таркибидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, 2022 йил давомида тадбиркорларнинг 9 минг 850 та мурожаати қўриб чиқилиб, шундан 48 фоизи бўйича тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди, 4 минг 616 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган.

ДЕПУТАТ ШАРҲИ



Ботир МАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Юқорида келтирилган рақамларда кўринадиги, Бизнес-омбудсман мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда илгор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб Бизнес-омбудсман институти таъсис этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосис аралашувиининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлашга эришилди.

АЙЁМ ШУКУҲИ

# БОБОТОҒ БАҒРИДАГИ ХАЗИНА



Тараққиёт ва ривожланиш йўлидан дадил одимляётган “Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти меҳнат аҳли мустақиллигимизнинг 32 йиллигини муносиб тўхфалар билан кутиб олмақда.

Кунни кеча мазкур корхонада бўлиб ўтган байрам тантанасида жамият бошқаруви раиси Тўлқин Зарипов ва Деҳқонобод туман ҳокими Зоир Алиқулов сўзга чиқиб, йиғилганларни “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” шiori остида нишонланаётган истиқлол шодиёнаси билан самимий муборакбод этди.



BUYUK KELAJAGIMIZNI MARD VA OLIJANOV XALQIMIZ BILAN BIRGA QURAMIZ Shavkat MIRZIYOEV

Қўлга киритилган ютуқларга қўшаётган муносиб ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш мақсадида инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги ташаббускорлиги учун бир гуруҳ ишчи-хизматчилар “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти, корхона маъмурияти ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Заводимиз ишга тушганидан сўнг аҳолининг бандлиги яхшиланиб, турмуш фаровонлиги йилдан йилга ортиб бормоқда, – дейди “Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқаруви раиси Тўлқин Зарипов. – Бунинг натижасида туманимиз дотациядан чиқарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши ҳамда ҳукуматимизнинг соҳамизни ривожлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатларини ўз вақтида амалга оширишда жонбозлик кўрсатилиши туфайли калийли ўғитлар ишлаб чиқариш 2,1 баравар кўпайтирилди.

Ўзгаришлар шарофати билан тоғли Деҳқонобод туманида аҳоли фаровонлиги орди, қишлоқларда кенг қўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Янги Ўзбекистон экинлари эсаётган бу худуд бугунги кунда саноат тумани сифатида эътироф этила бошлади. Бунёд қилинаётган мустақиллик иншоотлари эса худуд кўрмига кўрк қўшапти.

Байрам тантаналари кечгача давом этди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири  
Мақола реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

МУАММО ВА ЕЧИМ

# ЭНДИ ВОЧАХДА ХАМ “СВЕТ” ЁНАДИ

Сурхондарё вилоятидаги Вочах қишлоғи денгиз сатҳидан 1000 метр баландликдаги тоғлар қўнида жойлашган. Унга этиб бориш учун Сарисий тумани марказидан 70 чакрим тепага қараб юриш керак.

Тўғри, бу қишлоқнинг аҳолиси унчалик кўп эмас. Йигирмадан ортиқ хонадонда 120 га яқин киши яшайди. Лекин бу XXI асрда электрсиз ўтириш мумкинлигини аналгамайди. Шу боис қишлоқ аҳли кўп йиллардан буён турли идоралар, жумладан, Энергетика вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари, марказий телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларига му-

рожаат этиб, Вочахни электрлаштиришда ёрдам сўраб келаётган эди.

Бироқ мутахассислар олис тоғли қишлоққа симёғочларни олиб бориш имконияти йўқлигини рўқач қилиб, масала ечимини шунчаки ортага суриб келган. Жорий йил апрель ойида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдуғани Сангинов билан Сарисий туманида ўтказилган учрашувда вочахликлар қишлоқни электр энергияси билан таъминлаш масаласини яна кўтаришганди.

Мазкур мурожаатни атрофлича ўрганиб чиққан сенатор тоғли қишлоқ муаммосига ечим топишни ўз зиммасига олди. Юк машиналари қатнайди-ган тоғ йўли орқали Карч қишлоғидан

устунлар ва бошқа зарур материаллар олиб чиқилди. Махсус темирдан ясалган 100 донга устун, электр тармоғи учун 18 минг метр “АС-25” электр узатиш сими, бир донга 160 кВтли трансформатор пункти ажратилди.

– Турмушни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайдиган замонда яшаймиз, – дейди шу қишлоқлик ўқитувчи Мирзаумар Мерганов. – Бизнинг ҳам телевизор қўриб, янгиликлардан хабардор бўлгимиз, меҳмон келса, ёруғ хоналарда кутгимиз келади. Шу масалада мутасаддиларга мурожаат қилаверганимиздан сўнг ихчам қуёш панеллари ўрнатиб беришди. Аммо у ҳам иш бермади. Тасаввур қилинг: уйда телевизор, мўъжазгина мактабимизда компьютер бор. Афсуски, улардан фойдаланиш учун электр



энергияси йўқ. Сенатор Сангинов дардимизни тўғри тушуниб, масалага масъулият билан ёндашди. Вочахликларнинг айтишича, бир

пайтлар 300 дан ортиқ киши яшаган қишлоқда шароитлар ўнганавермагач, уларнинг аксарияти туман марказига кўчиб кетган. Айни пайтда тоғлар қўнида яшаётган аҳоли боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик билан шуғулланади.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида Абдуғани Сангинов ташаббуси билан Карч қишлоғидан 8 чакрим тоғли масофага темир устунларни ўрнатиш бошланди. Мураккаб бу лойиҳани сифатли бахариш учун тоғда ишляйдиган махсус техникалар ва тажрибали мутахассислар жалб этилган.

Насиб этса, яқин кунларда Вочахда ҳам электр чироқлари ёнади.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ



# МУНОСИБЛАРНИНГ МУНОСИБИ БЎЛИШ БАХТИ

## МЕҲНАТ ВА МАШАҚҚАТ ОРТИДАН КЕЛАДИ

### ✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикасидаги республика ҳудудий босқичида сўзга чиққанлар мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишлар, айниқса, хотин-қизларимиз барча соҳаларда фаол иштирок этаётгани, улкан натижаларга эришаётгани, минглаб иш ўрни яратишда ўз ҳиссаларини қўшаётганини алоҳида эътироф этишди.

Танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 16 нафар хотин-қиз ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчиларнинг иш фаолияти, билим тажрибаси, экспорт-импорт салоҳияти, маҳсулотларига бозор талаби, яратган иш ўринлари, ҳуқуқий саводхонлиги, партия ва жамоат ишларидаги фаоллиги, режалари, хуллас, барча-барчасини ҳисобга олди.



Танлов якунида 3-ўринга тўртқўллик яққа тадбиркор Бибиғул Хидирова, 2-ўринга “Сарбиназ миллий кийимлари” МЧЖ раҳбари, кегайлилик Сарбиназ Атаниязова муносиб деб топилди. 1-ўринга эса Нукус шаҳридаги “Kungrad agro – solodka sistem” МЧЖ раҳбари Замира Хожаметова лойиҳа деб топилди. Ғолибларга партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, фаол иштирок этган тадбиркорларнинг меҳнатлари ҳам алоҳида эътироф этилди ва тақдирланди.

– 2008 йилдан бунён яққа тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман, – дейди танлов ғолиби, “Kungrad agro – solodka sistem” МЧЖ раҳбари Замира Хожаметова. – Фаолиятимни 12 нафар ишчи билан бошлаган бўлсам, ҳозирда улар сони 185 нафарга етди. Дастлаб атиги 2 та давлат – Корея ва Хитойга маҳсулотларимизни экспорт қилганим, энди 14 та давлатга йўналтиряпмиз. Фирмамиз “Product of Uzbekistan”, “Made in Karakalpakistan” брендларига ва логотипига эга. Шунингдек, чорвачилик ва ёғдорчилик билан ҳам шуғулланамиз. 2020 йил Австриядан насли молларни олиб келиб, халқимизни арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминляпмиз.

Тиниб-тинчимайдиган Замира Хожаметова билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида тинмай иزلанади ва чет давлатларда тажриба алмашиб келади. Қўнғирот, Тахиятош тумани ва Нукус шаҳридаги энг чекка қишлоқ ва маҳалларда истиқомат қилувчи 33 нафар эҳтиёжманд хотин-қизини касаначиликда банд қилган. Унинг меҳнатлари зое кетмади, жорий йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида Президентимиз томонидан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида опа-сингилларимизнинг ижтимоий фаоллиги ошиб, турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг қўлтуғ ўттиз икки йиллик тўйи оstonа-сида Олмалик шаҳридаги “Металлур” маданият саройида бўлиб ўтган “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловининг Тошкент вилояти республика ҳудудий босқичи ҳам бу борадаги амалий ишлардан бири бўлди.



Ушбу кўрик-танлов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнларнинг туб мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожига фаол иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиш ва иزلанишларини рағбатлантириш орқали бугуннинг замонавий тадбиркор аёли қиёфасини яратиш мақсадида ўтказилмоқда.

Бу йил анъанавий тарзда саккизинчи марта ўтаётган танловнинг якуний босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Виктор Пак, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, партия вилоят кенгаши маъсул ходимлари ва фаоллари, депутатлар, танловнинг туман ва шаҳар ғолиблари, тадбиркорлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кўрик-танлов доирасида вилоятда фаолият юритаётган салоҳиятли фермер, тадбиркор ва ишбилармон аёллар раҳбарлигидаги корхоналар маҳсулотлари намойиш этилган кўргазма тақдими ҳам ўтказилди.

Иштирокчилар фаолиятини ҳолисона баҳолашда уларнинг экспорт ва импорт салоҳияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги фаоллиги, ноғиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашдаги хайрли ишлари инобатга олинди.

Якуний натижаларга кўра, фахрли биринчи ўринни Паркент туманидаги “Заркент Гаҳҳари” фермер ҳўжалиги бошлиғи Гаҳҳар Ризаева эгаллади.

2-ўринга Ангрэн шаҳридаги “Yangibod kelajak sari” оилавий корхонаси раҳбари Ойша Уралова, 3-ўринга эса Оҳангарон шаҳридаги “Покизахон” МЧЖ раҳбари Зарифахон Баҳодирова лойиҳа кўрилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,  
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши  
бўлим мудир

### ✓ ФАРҒОНА

Фарғона шаҳридаги мономарказда “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шiori остида ўтказилган республика ҳудудий босқичи O'zLiDeP Фарғона вилоят, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгалари ҳамда Ўзбекистон касаса уюшмалари федерациясининг вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада ғолибликка номзодлар раҳбарлик қилаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган турли товарлар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва хунармандчилик ишлари ҳам намойиш этилди. Ўз навбатида, ҳар бир номзод ишлаб чиқараётган маҳсулотини, унинг сифати, яратган иш ўрни ва даромади, экспорт ҳажми ҳақида атрофлича маълумот берди.



Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, биринчи ўринни Данғара туманида 117 нафар ишчи ўрнига эга, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Beknur class” МЧЖ раҳбари Маърифат Умарова, иккинчи ўринни Қўвасой шаҳридаги “Дилдорабону нихол боғлари” фермер ҳўжалиги раҳбари Дилдора Абдурахмонова, учинчи ўринни эса Учкўприк туманидаги “Лазизим қалблар шифоси” унитар корхонаси раҳбари Раъно Бутабоева эгаллади.

– Истиқлолимизнинг 32 йиллик тантаналари арафасида вилоятимизнинг энг ишбилармон аёли деган номга сазовор бўлганимдан фойда миннатдорман, – дейди Маърифат Умарова. – Рост, тадбиркорликни бошлагандан бунён бошдан кечирган машаққат қувончларим кўз ўнгимдан бир-бир ўтиди, ич-ичимдан шукрона айтдим. Чунки юртимизда изланган, интилган инсон борки, меҳнати зое кетмайди.

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ БУХОРО

Сўнгги йилларда жамиятимизда аёл ҳар қачонгидан кўра эъзоз ва эътиборга сазовор бўлмоқда. Айниқса, тадбиркор хотин-қизлар учун жойларда яратилган кенг имкониятлар, уларнинг эмин-эркин фаолият олиб боришлари учун белгиланган имтиёз ва преференциялар нозик ҳилқат эгалларини мудом иزلанишга, ўз устида тинимсиз ишлашга, касб-маҳоратини оширишга, эл-юрт маъмурчилиги йўлида барча хайрли ишларни адо этмоққа даъват қилмоқда.

Бухоро давлат университетидега ўтган “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловининг республика ҳудудий босқичида бунга яна бир қарра амин бўлди.

Етти йилдирки, “Ишбилармон аёл” истиқболли лойиҳаси бухоролик тадбиркор аёлларнинг ҳам бизнес соҳасидаги лойиҳаларини ривожлантириш, хусусан, хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш, жамиятдаги мавқеини янада оширишга хизмат қилиб келаётди.

Жорий йилги кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 13 нафар ишбилармон аёлнинг истеъдод, маҳорат ва меҳнатларига талабчан ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳо берилди. Танлов низомига асосан ҳар бир ҳудудий босқич ғолиблари “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби ҳисобланади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан фахрли биринчи ўрин тадбиркорликнинг турли йўналишларида ибратли фаолият олиб бораётган тадбиркорлик Иқлима Жўраевага насиб этди.

– Ёғиздувон туманидаги “Фирдавс Уқтам Амон омади” масъулияти чекланган жамиятимизга Барака маҳалласидан 33 гектар ер ажратиб берилгани бу ерда 1 млрд сўм ҳамда АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги – USAIDнинг 31 миң доллар эвазига экомаскан барпо этиш имконини берди, – дейди жамият раҳбари, O'zLiDeP фаоли Иқлима Жўраева. – Ҳозирда экомасканимизда 40 миң тўпга яқин турли кўчатлар парвариш қилинмоқда. Дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Келгусида меҳмонлар балик овлашлари, от ва туяларда сайр этишлари учун 5 гектар майдон тайёрланмоқда. Яқинда “Тадбиркорлар куни” муносабати билан Президентимизнинг фармониға мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз қатори “Шухрат” медали билан тақдирландим. Бу эса мени фаолиятимда янада янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

Иккинчи ўринга Ромитан туманидаги “Санобар Самад Жасмина” МЧЖ таъсисчиси ва раҳбари Санобар Жўраева, учинчи ўринга эса Вобкент туманидаги яққа тартибдаги тадбиркор, хунарманд Шаҳноза Авезова муносиб топилди.

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ НАВОЙ

Кўрик-танловнинг Навой вилояти республика ҳудудий босқичида иштирок этган тадбиркор аёллар ҳар соҳада фаол, изланувчан ва ташаббускорлиги, шунингдек, беллашувга пухта тайёргарлик кўргани билан ажралиб турди.

Улар ишлаб чиқариш, хунармандчилик, фермерлик соҳасидаги фаолиятлари акс этган кўргазмаларини тақдим этишди. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган хотин-қизлар учун маҳорат дарслари ҳам ўтишди.

– Бугунги беллашувнинг айна Мустақиллик байрами арафасида ўтиши мени қувонтирди, – дейди тадбиркор, “Чадос – 2009” хусусий корхонаси раҳбари Латофат Хусанова. – Айниқса, вилоятимизнинг турли туманларидан келган ишбилармон опа-сингилларимизнинг ишларини кўриб, тўғриси, ҳайратландим ва янада интилишим керак экан, деган хулосага келдим. Фаолиятимни янада кенгайтириб, кўп иш ўринлари яратишни мақсад қилдим.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, қизилтепалик иштирокчи, “Дилшодбек орузи” фермер ҳўжалиги раҳбари, партия фаоли Шаҳзода Тўхтаева мутлақ ғолиб деб эълон қилинди. У ва танловнинг фаол иштирокчиларига ташки-

лотчилар томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Вилоятнинг кўзга кўринган санъаткорлари қуйлаган куй-қўшиқлар, бадиий чиқишлар тадбирнинг байрамона кайфиятида ўтишини таъминлади.

O'zLiDeP Навой вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ НАМАНГАН

Партия Наманган вилояти кенгаши танловни “Ҳар бир кун, бу – имконият, ҳар бир кун, бу – келажак учун пойдевор” шiori остида ўтказди. Кенгаш раиси Солижон Мўминов тадбирни очиб берар экан, бугун ишбилармон хотин-қизларнинг фаоллиги янада ортгани, бунга уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани замин яратганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қайд этилганидек, кўрик-танлов доирасида 13 та туман, шаҳар босқичлари ташкил қилинди. Унда фаол иштирок этган 143 нафар тадбиркор, фермер, хунарманд, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари билан иборат хотин-қиздан 14 нафари республика ҳудудий босқичига йўланма олди.

Якуний хулосага кўра 1-ўринга Наманган шаҳридаги “Чуст металлургия заводи” раҳбари Гулбахор Тожимирзаева, 2-ўринга Давлатобод туманидаги “Гасул” хусусий фирмаси раҳбари Марина Жабборова, 3-ўринга чуствик хунарманд Моҳиғул Неъматжонова муносиб кўрилди.

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ АНДИЖОН

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши раиси Хуршида Халилова юртимизда хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳар доимгидан-да кучайганини таъкидлади. Бу борада партиянинг турли лойиҳалари ҳам туртки бўлмоқда.

Хусусан, сиёсий кучнинг “Аёллар қаноти” ташаббуси билан “Бунёдкор аёллар”, “Ишбилармон аёл”, “Намунали томоққачи аёл – фаровонлик бунёдкори”, “Бир дегутат – юз аёлга кўмакчи!”, “Фаровон оила”, “O'zLiDeP фаоли – ислохотлар тарғиботчиси!” сингари қатор лойиҳа, танлов ва акциялари опа-сингилларимизни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда, айниқса, тадбиркорликда янада фаол бўлишга илҳомлантирмоқда.



Якуний натижаларга кўра, белгиланган шартлар асосида энг юқори баҳо олган Андижон тумани Наврўз маҳалласида фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари, декоратив сунъий гуллар устаси Гуллола Маҳкамбоева ғолиб деб топилди.

– Мен каби қўллаб тадбиркор опа-сингилларимизга рағбат бераётган ушбу танловда ғолиб бўлганимдан беҳад мамнунман, – дейди Гуллола Маҳкамбоева. – Декоратив сунъий гуллар яшаш билан шуғулланамиз. Оилавий корхонамизда 50 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Маҳсулотларимиз анча харидордир, шунга яраша олаётган даромадимиз ҳам яхши.

Танловда иккинчи ўрин Андижон шаҳридаги “Мавжуда гранд люкс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мавжуда Курбоновага, учинчи ўрин эса Избоскан туманидаги яққа тартибдаги тадбиркор, нақш устаси, зардўз Гулмира Ҳамдамовага насиб этди.

Ғолиблар диплом, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши  
матбуот хизмати

### ✓ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши ўтказган танлов Мустақиллик байрами арафасида ўтиши барчани қувонтирди. Тадбир давомида ҳамкор ташкилотлар масъулларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг фаолиятига оид лавҳа, тегишли ҳужжатлар билан танишишди.



Ниҳоят нуфузли танлов ғолиблари эълон қилинди. Биринчи ўринни Бектемир туманида жойлашган, 217 нафар иш ўрни яратган, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Azalium” МЧЖ раҳбари Азиза Юсупова қўлга киритди. Иккинчи ўринни Олмазор туманида жойлашган “Miss Fedisha” бренди остида фаолият юритаётган тадбиркор Умида Нуриддинова, учинчи ўринни эса Мирзо Улуғбек туманида трикотаж, махсус кийимларни тикишга мўлжалланган, Тошкент шаҳри ва Жиззах вилоятида ҳам ўз тадбиркорлигига эга “Kaftan textile” МЧЖ раҳбари Санобар Танабаева эгаллади.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши  
матбуот хизмати



## 1 СЕНТЯБРДАН ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРАДИ.

Хусусан, банклар устав капитали 2 баробарга оширилади. Судланганликни бепул “олиб ташлаш” мумкин бўлади. Сайёҳлик фирмаларига энгилликлар берилади. Ўзбошимча қурилган конструкцияларга “рейд” ўтказилади ҳамда маданий объектлар ҳимоя қилинади.

ОТМларнинг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмончилик, “яшил” иқтисодиёт ва гидрометеорология ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларида энг иқтидорли талабалари учун Экология вазири стипендияси берилади.

Энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш ва мукофот пули олиш мумкин бўлади. Аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳимояси кучайтирилади ҳамда ногиронларга энгилликлар берилади.

Мақтаб директорларига бир қатор ҳуқуқлар берилади. Хусусан, мақтаб директорига ўз ўринбосарларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, ажратилган умумий соатлар доирасида ўқув режаларига 15 фоизгача ўзгартириш киритиш ма-



салаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади. Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг мактаб фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш бўйича ваколатлари бекор қилинади.

Худудларда энг тажрибали мактаб директорларидан иборат Директорлар кенгашлари тузилади. Мақтаб директорлари Директорлар кенгаши тавсиясига асосан худудий бошқармалар томонидан очиқ танлов асосида лавозимга тайинланади.

ЎзА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ  
**“ШАҒОАТ ҚУРИЛИШ” МЧЖ** ва  
**“ВАРАКА МУНДИС ҒАЙЗ”**  
 ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

*Меҳнаткаш ва олижаноб,  
 бағрикенг халқимизга истиқдолнинг  
 32 йиллиги қутлуғ бўлсин!  
 Барча эзгу ишларимизда  
 Яратганнинг ўзи қўлласин!  
 Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

**SANOAT QURILISH BANK**

### МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

“Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси барча юртдошларимизни мамлакатимиз истиқлолининг 32 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Xizmatlar litsenziyalangan

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

*Азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 32 йиллик байрами билан табриклаймиз!  
 Гўзал ва бетакрор юртимиз ҳамиша тинч ва фаровон бўлсин!  
 Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриш барчамизга насиб этсин!*



31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

# ТУН ҚАНЧА ҚОРА БЎЛСА, ОЙ ШУНЧА ЁРУФ

Усмон Носир ҳақидаги китобни ўқиб бўлдим. Китобни ёпдим-у... юрагим зирқираб кетди...

Тоштурмада сақланганида эртага эрталаб этап билан совуқ Сибирга сургун қилинишидан хабардор, бошқа ҳар хил миллатга мансуб қамоқхона назоратчилари орасидаги ўзбек йиғит – оддий хизматчи Усмон Носир деган маъбуснинг қимлигини билиб, эртага тонгда аристонлар ташқарига чиқарилаётган пайтда яширинча қочиб юбораман, тайёр бўлинг, деса, кўнмаган, ўзининг ўрнига бошқа камерадошини у ҳам ноҳақ қамалган, мендан ҳам ёш, ҳали ҳаётда ҳеч нарса кўрмаган, деб қочиб юборган Усмон Носир... Ўзининг ўрнига турмадан бошқани чиқариб юборган Усмон Носир...

Фақат шоир, фақат Усмон Носир шундай қилади. У бошқача йўл тутмайди.

Усмон Носирнинг чин шоирлиги Рауф Парфи:

Юзма-юз келгандек гўё ўт ва сув,  
Юзма-юз келади шоир ва замон,

деб ёзади. Усмон Носир олов эди, сув билан юзма-юз келди. Лекин оловлигича қолди.

Тўғри, уни, аввало, адолатсиз замон, зулму зўравонлик негизда қурилган салтанат, собиқ бепоеъ мамлакатнинг мустақилликка, озодликка, ўзга фикрга қарши бўлган сиёсати, қолаверса, адабиёт деган чексиз денгизда ёнма-ён сузиб келаётган ўзининг “дўстлари” чўктириб юборишди. Ўзбек адабиёти хазинасини бойитиши мумкин бўлган қанча-қанча асл шеърлар, достонлар у билан бирга чўкиб кетди. Усмон, улар кутгандек, жимгина, ном-нишонсиз йўқ бўлмади. Юраги чексиз денгиз тубида ҳам ёнди. Орадан қанча фурсатлар ўтди, лекин ҳануз бу ёруф гулхан сўнмайди.

Усмон Носир – ҳаёти, ижод йўли мураккаб кечган шоир. У шеърят осмонида порлаган юлдуз. Юлдузни кўл етмас баланд кўкдан оёқ остига уриб тушироқчи, хўрламоқчи бўлишди. Аммо у тобора юксакка кўтарилди, тобора ёрқин порлади.

Табиатдан исёнкор шоир истибод даврининг биқиқ, тор муҳитига симағди:

Ки, одамнинг ўзини аман,  
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр,  
Қийналанман, юрагимда ҳовур,  
Бу – қаршилик! Йўқ! Гина эмас.

Қалби тошқин, ҳиссиёти жўшқин ёш шоир йигит бунёдкорлик, яратувчанлик, эрк, хуррият курашларида тобланмоқчи эди. “Оловдек ловуллаб дил ёнур, Бахтлиман жангларга ярасан...” (“Насимага деганим” шеърдан).

Шоирнинг феъл-саъиясида зулмкор, адолатсиз замонга қарши кураш иштиёқи, Ватан туйғуси ярқ этиб кўзга ташланаётган ва шиддат билан шеърларига кўчаётган, у ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини ўткир сезгиси, безовта ва бедор кайфияти, ички ғалаёни

билан илғаб, ақл-идроки билан аён таниётган эди. Англаш изтиробининг кучи ва жасорат билан “Ўз зиммамга катта иш олдим” (“Монолог”) деб ҳайқирди.

Ватанга фидойилик, миллатга садоқат руҳи ватанпарвар шоирнинг барча шеърларида уфуриб туради. “Муродга қасд қилиб югурган отур. Бўронни севмас, дил нечун тепур. Тириклик не керак бемехнат, беғам...” (“Эртани севиниб кут”) сингари сатрлари ўша суронли, ўша беқарор йилларда келажак ҳаётга катта умидлар билан кириб бораётган ёшлар орасида тилдан тилга, дилдан дилга кўчган, қалб амри бўлиб садо берган.

Эл-юрт хизматиға ҳаммаша шай шоир она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини “Юрак” шеърда ёрқин ифодалади:

Итоат эт,  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса.  
Ёрил, қақмоққа айлан сен.  
Ёрил, майли, тамом ўлсам!

Қалби эҳтиросга, ҳаяжонга лиммо-лим Усмон Носир сўз зарғари, сўз сеҳрига, сўздан гўзаллик яратадиган уста бўлиб танилди. Ўз асрида Чўлпон бошлаб берган бармоқ вазни табиатини, руҳини янгилади:

Боғларга намозгар салқини тушди,  
Гуллар нам баргини қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан наstda,  
Лопадек қип-қизил ўт шафақ ўчди.

Кўз тикдим, кўзларим нигорон бўлди;  
О, дилбар, сийбарим, нозлари қирмиз.  
Киприги кўксига соя солган қиз,  
Кўз тутдим, юрагим тўла қон бўлди.

Усмон Носирнинг шеърлари булоқ сувидек тоза, жилға-ирмоқлардек ўйноқ, шаршаранинг кўз ёшларидек маҳзун ва жанангдор... Сатрлари равон, содда, тиниқ, оҳангдор, сўзлари тоза, ҳароратли, жозибадор: “Фикр – бола, бола – усувчан...” (“Ҳаёт ҳали менинг олдимда”), “Қандай шодлик, бутун умрни Яхши шеърдай ёддан биламан...” (“Қизлар”), “Бағринида қайиқдай сузган оқ елкан Бир умр сайр этар менинг ёдимда” (“Денгизга”), Чидолмайман пишган тут каби Оёғига тўқилмасдан дув...” (“Армина”).

Яратган мўл-кўл иқтидор берган Усмон Носир новатор шоир сифатида шеърый ифода, шеърый матнга янги усуллар, янги услубларни, янги товланишларни татбиқ этди. Масалан, “Ширин бўлди ҳаёт иқлими... О, қуйилиш – аччиқ тажриба... Мен умримни яхши танийман... Баланд кўйиб эрка наҳийни Катта йўлга чиққанман, ойдин...” (“Ширин бўлди ҳаёт иқлими”); “Нега мунча дил оқар, Қалтирар?...” (“Юр, тоғларга чиқайлик”) каби сатрларида янги топилмалар – янги оҳанг, янги ритм, янги ифодаларни кузатамиз.

Усмон Носир ҳаёт манзараларини, замондошларнинг руҳий ҳолатларини турли бўёқ ва рангларда акс эттирадиган рассом каби намёнён бўлади: “Кўрасани қандай чиройли, Тикилганча боқиб турса у...” (“Армина”); “Ҳали-ҳали қулоғимда Қалтирар куйлаган гитар. Ўлган изинг ёноғимда, Қулгиларинг саноғимда, Дилдан улар қайга кетар?” (“Ёдимдадир узоқ шимол”); “Ойдин эди у кеча, Сен ҳам ой эдинг...” (“Айрилиқ”); “Ўқиларим тугади, Муҳандис бўлдим. Ҳар бир кичик хужайрам Фан билан тўлди” (“Бораман”); “Ойдин кеча... Ҳар ерда Ой акси ётар...” (“Оқ ювиб, оқ тараб”), “Мен кўрганда анча ёш эдинг” (“Ешлик”). Шоирнинг тасвирлари ўқувчи тасаввурда жонланади, ҳаёт манзараларини жонлантиради.



Усмон Носир буюк шоирлар Александр Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, Михаил Лермонтовнинг “Демон” достонларини юксак маҳорат билан она тилимизга ўғирди. Таржима асарлари ўзбек шоирининг маҳорат, иқтидор борасида рус салафларидан кам эмаслигини кўрсатади. Ушбу таржималарнинг фазилати ҳақида кўп ёзилган, айтилган. Усмон Носир таржималари нафақат ўзининг ижодиға, балки бутун ўзбек шеърятига кучли таъсир ўтказган.

У ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб сонетлар ёзди. “Яна шеъримга”, “Денгизга” каби шеърлари билан сонет жанри ривожланишига сезиларли ҳисса қўшди. Европа, хусусан, Италия адабий муҳитида пайдо бўлган ва шакланган жанр талабларига мос келадиган бадиий жиҳатдан юксак шеърлар яратди. Ушбу сонетлар мукамаллиги, бадиияти билан бугун ҳам шеърхонни ҳайратга солади.

“Яна шеъримга” сонетида “Бутун умрим сенинг буйнингда...” деб мурожаат қилади шеърға, сўзга қарата. Ҳа, унинг боқий умри шеърларига кўчди... Ҳаётга ташна Усмон: “Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас, Кўп ҳали ҳаётдан насибам...” (“Насимага деганим”) деб порлоқ орзу, мақсадларини ифодалаган эди.

Шоир умрининг сўнгги йиллари – қамоқхоналарда ўтган кунлари, совуқ ўлкаларда тортган азоб-уқубатлари ҳақида ёзилганларни ўқиб, этингиз жимирлайди. Шўролар тузуми, бу тузумнинг ахлоқи, адолати, ҳақиқати мислсиз даражада ноинсоний, тубан бўлганига ишонасиз. Қатағон гирдибоди миллат гулларини яқсон этган, неча-неча усмонлар, чўлпонлар, қодирийлар, берунийлар, улугбеклар, ибн-синолар жувонмарг кетган... Шундай пайтда Ватан мустақиллиги, миллатнинг эрки ўз ихтиёрида бўлиши ҳаётнинг, тақдирнинг энг улуг, энг буюк инъоми эканига яна бир бор имон келтирасиз.

...Тоштурмадан Усмоннинг ўрнига чиққан йиғит узоқ йиллар тоғ-тошларда, кўздан панада яшириниб яшаган. Мустақилликдан кейин бир неча йиллар ўтиб, ёши бир жойга бориб қолганда шоирнинг изини, қариндошларини излайди. Усмонга айтилмай қолган раҳматни унинг авлодларига айтмоқчи эди. Миннатдорлик изҳор қилишга шошиларди...

Анча йиллар аввал Ангренадa тўсатдан бир қўшиқ-

чининг иссиғи кўтарилиб, тоби қочади. Уйга “Тез ёрдам” чақирилади. “Тез ёрдам” беморни шаҳар касалхонасига жойлаштиради. Бу ерда даволловчи врач беморнинг қўшиқчи эканини билгач, орада санъат, адабиёт ҳақида гап очилади. Шунда шифокор отаси бешафқат қатағон йилларида Усмон Носир деган шоир билан Тоштурмада камерада бирга бўлганини, Усмон уни ўзининг ўрнига қочиб юборганини, отаси бунинг учун Усмоннинг авлодларига раҳмат айтмоқчи бўлгани-ю, аммо улардан ҳеч кимни топа олмаганини, ота вафотидан олдин шоирнинг жонажон қариндошларини топиб, уларга миннатдорлик билдириш кераклигини ўғлига васият қилганини айтади... Бу гапларни эшитган бемор палатадан шоирнинг жиянига телефон қилади. У шоирнинг жияни билан яқин таниш, аввалдан борди-келдиси бор экан...

Усмон Носирга айтилиши керак бўлган, аммо кўп йиллар давомида бир инсоннинг юрағида сир каби сақланган раҳмат, ниҳоят, шоирнинг жиянига айтилди.

Бу раҳмат Усмон Носирга ҳам ғойибона етиб боргандир...

2022 йил 10 февралда Ўзбекистон Президентининг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”-ги қарори қабул қилинди. Аввало, ушбу қарор тимсолида адабиётимиз яна бир бор қадр топди, шон топди. Усмон Носир ҳаёти ва ижодини тарғиб этиш, ўрганиш бўйича илмий конференциялар, адабий анжуманлар утказилди. Китоблари қайта нашр этилди. Асарлари бўйича ёш ва тажрибали олим ва мутахассислар янги илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Шоир сиймоси бадиий асарларга, кино, спектаклларга кўчди. Наманган шаҳрида ёш ва навқирон шоирга ҳайкал ўрнатилди.

“Нил ва Рим” достонида “Ки, тун қанча қора бўлса, ой шунча ёруф” деб ёзади шоир. Зулмат муҳитда нур, зиё яққол кўзга ташланади, ажралиб туради. Усмон Носир ўзи яшаган қоронғи муҳитда, зулмат муҳитдаги юлдузлар орасида балки энг ёруф ой эди. Юлдузлар кўп, ой битта. Шунда ой юзини қора булут билан тўсдилар. Қора булутлар... Улар доим бор, улар доим ҳаракатда... Лекин барибир замон эврилишлари қора булутларни суриб кетди. Юлдуз – юлдузлигича, ой – ойлигича қолди.

## УСМОН НОСИРСАН

Ҳасад тошин отди ичи қоралар,  
Манфаат шеър деган боққа оралар,  
Менинг кўксимда ҳам бугун яралар,  
Қўшиғи тинмаган Усмон Носирсан.

Орзу кўчасига кирганда одам,  
Қабоҳат тўрига айланди олам,  
Суяги синса ҳам, тиши синса ҳам,  
Бардоши синмаган Усмон Носирсан.

Кўзни кўр қилса-да зулмат қафаси,  
Музларда ўт ёқар оташ нафаси,  
Сайратди Ватанинг кўнгирак саси,  
Имондан кечмаган Усмон Носирсан.

Оҳ, сени ўлдирган совуқ ўқ эмас,  
Уша ғирром уйин хануз йўқ эмас,  
Ҳаёт баъзан юлун, баъзан тўқ эмас,  
Кўкка ҳайрон боққан Усмон Носирсан.

Салим АШУР

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

# Олаётган ҳар нафасим сенсан, Ватан!

Ватан таърифиға калому, ёзмоққа қалам ожиз. Ватан сўзини тилга олишимиз билан қалбимизда илиқлик ҳисси уйғонади. Доим қалбининг бир чеккаси талпинавердиган даргоҳ. Булбул ўз тиконзоридаяйраб, сайраганидек, одамзод ҳам ўз она тупроғида бахт қучиб яшайди.

Ҳар гал бувимга “Нега бизниқига бормайсиз, бизниқига ҳам яшанг”, деса: “Болам, катта бўлганимда тушунасан, йиллар давомида яшаб келаётган жойингдан ҳеч ҳам бошқа ерга кетолмайсан. У ернинг ҳатто қум заррасигача сенга қадрли бўлиб қолади”, дерди.

Ҳозирданок дуоғуй, дунё кўрган буювжонимнинг бу ҳикматли гаплари маъносини англаяпман. Йиллаб кутганим талабалик бахтига эришдим. Қувонганимдан энди уйимдан, ота-онамдан узоқда яшашимни уйламабман ҳам. Ўқиш бошланиши арафасида улар мени пойтахтда – ҳеч ким-

мим йўқ жойга йиғлаб ташлаб кетишаётган кунийёқ бир сонияда улғайдим. Соғинч нималигини, ҳеч қаер онанг бағридек бўлмастлигини, тергаса ҳам дадангдан яхши одам йўқлигини ўша лаҳзада ич-ичимдан ҳис қилдим. Бир-бирини қувлаб ойлар ўтиб борарди. Мен эса бурчак-бурчакларда, маржон-маржон кўзёшларимни тўкиб, улғайганлик масъулиятини бўйнига олишни хоҳламас эдим.

Таътилларда бориб, ҳар гал уйимиз остонасидан ҳатлаётганимда ҳаяжонланаман. Менимча, шунинг ўзи киндик қонимиз томган кичик Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, сеҳрли соғинчнинг исботи эмасми?

“Ватан қадрини ватангадо ва мусофирдан сўранг”, деганлари бежизмас. Бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари сўнг нафасигача нечун юрт соғинчи билан яшаганини тасаввур қилиш осонми?..

...Мақтабда ўқиётган вақтларим эди. Уйга югуриб келдим.

– Ая-ая, мен энди шеър ёзаман. Сиз ҳақингизда, уйимиз ҳақида, шу мўъжазгина Ватанимиз ҳақида.

– Қандай яхши, болажоним, аввал нафасингни ростлаб ол, кейин бирма-бирма тушунтир. Бу фикр қаердан келди?

– Бугун устоз Ватан ҳақида жуда чиройли шеър ўқиб берди. Менга “Сен ҳам шоира бўлсанг, шундай шеърлар ёзсан, китобларинг чиқади”, деди.

– Ниятинга етгин, болам... Мустақиллигимиз мана бу йил 32 ёш-ни қарши олмақда. У бизга кўплаб имкониятлар эшигини очди. Билимли инсон ҳеч қачон хор бўлмастлигини исботлади. Биз каби ёш авлодга эркинлик, дадиллик ҳамда қалам тебратта олиш бахтини берди. Энди яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш қолди, холос. Шуларни ўйлар эканман, беихтиёр айтгим келади: “Эй дўстим, ҳою ҳавасдан фойда йўқ, кўнглихушлиқлар эса вақтинча. Абдий нарсалар ордидан қув. Илм олишдан чарчамал!”

Мен эса минг тиллага ҳам алишмасман сени, эй ота маконим!

Гулшаноӣ АЛИЖОНОВА,  
ЎЗЖОКУ талабаси



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сироҷиддин САЙИИД  
Аҳдам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАКОВ  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 845  
Адади: 9284  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 21:00

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:  
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА